



АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Юлчиев Баҳодиржон Собирович*

Курамбаев Тохир Хосинбаевич*

*Янгихаёт тумани ИИО ФМБ терговчиси.

*ИИБ Академияси Тергов фаолияти кафедраси ўқитувчиси.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8042105>

ARTICLE INFO

Received: 06th June 2023

Accepted: 14th June 2023

Online: 15th June 2023

KEY WORDS

Айбсизлик презумпцияси,
гумон қилинувчи,
айбланувчи, судланувчи,
тергов, суд, ривожланиш
тарихи, инсофлилик
презумпцияси, айбсиз шахс.

ABSTRACT

Ушбу мақолада айбсизлик презумпциясининг пайдо бўлиши, унинг давлатимиз қонунчилигига кириб келиши ҳамда ривожланиш босқичлари, шунингдек бугунги кунда шахсининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ёритилган.

Айбсизлик презумпциясининг келиб чиқиш манбасини ўрганадиган бўлсак, унинг тарихий ривожланиши қадимги даврга бориб тақалишини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудида жиноят ва жазо тизими милодий VII–VIII асрига қадар одат ҳуқуқи асосида, [1] шу билан бирга зардуштийлик динининг муқаддас «Авесто» китобида келтирилган қоидаларга риоя қилинган [2]. Юртимиз ҳудудлари араблар томонидан истилоҳ қилинган вақтдан то чор Россияси босқинига қадар бўлган вақт оралиғида эса ватанимиз ҳудудида хонликлар ва амирликларда жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан бир қаторда, шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган [3]. Ушбу тарихий даврда олий суд ҳокимияти хон ва амирларнинг назорати остида иш юритган [4]. Амир ва хонлар ушбу судга раислик қилувчи қози калонни лавозимга тайинлаган ва шу билан биргаликда, уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Бу даврдаги иш юритиш тартибида айбсизлик презумпцияси деган тушунчалар бўлмаган [5].

Айбсизлик презумпциясининг келиб чиқиш масаласи бўйича энг кенг тарқалган нуқтаи назар бу - айбсизлик презумпциясининг прототипи қадимги Рим ҳуқуқида қўлланиладиган қоида – “*praesumptio boni viri*” ҳисобланади. Бу қоидага кўра, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳар бири бунинг акси исботланмагунча яхши, инсофли фуқаро ҳисобланади. Шу билан бирга, фуқаронинг инсофсизлигини исботлаш ушбу инсофсизликни даъво қилган шахсга юкланган.

*Янгихаёт тумани ИИО ФМБ терговчиси.

*ИИБ Академияси Тергов фаолияти кафедраси ўқитувчиси.



Инсофлилик презумпцияси илк бор Қадимги Римда пайдо бўлган, яъни милоддан аввалги III асрда Рим ҳуқуқшуноси Павлус қуйидаги қондани ишлаб чиққан: «*ei incumbit probatio, qui dicit, non qui lie-gat*» - инкор қилувчи эмас, тасдиқловчи исботлашга мажбурдир.

Қадимги Римда ушбу қоида кўпроқ мулкый низоларни ҳал қилишда қўлланилган, аммо XII та жадвал қонун-қоидалари таҳлил қилингандан сўнг, биз ушбу ҳужжатнинг баъзи қоидаларини белгилаб қўйган нормаларни ўз ичига олган деган хулосага келишимиз мумкин ва бунда жиноий жараёндаги айбсизлик презумпциясининг қоидаларини фуқаронинг инсофлилиги презумпцияларининг оқибатлари мустаҳкамлайди. Мазкур XII та жадвал қонунларининг 9-жадвали 2-бандида кўрсатилишича, шахсни айбдор деб эътироф этишга фақат квесторлар томонидан жиноятни чуқур текширгандан кейингина йўл қўйилади. Шу билан бирга, шахснинг айби ёки айбсизлиги масаласи фақат коллегиял суднинг ҳал қилув қарори асосида аниқланган.

Тарихий манбалар чуқур ўрганилиши натижасида, фуқаронинг айбсизлик презумпциясининг батафсил тавсифи **илк маротаба** Рим томонидан эмас, балки Қадимги Юнонистоннинг энг машҳур нотиқларидан бири Демосфен томонидан таклиф қилинганлиги аниқланган. Милоддан аввалги 352 йилда ёзилган нутқида, Демосфен Драконт қонунларини таҳлил қилган. Ўша вақтлардаёқ у қонунда “қотил” сўзи қўлланишини, бироқ бу қонунга кўра, фақат суд ҳукмига кўра жиноят содир этганликда айбдор деб топилган одамгина қотил деб ҳисобланиши кераклигини таъкидлаган. Демосфен ўзининг ушбу фикрлари билан қуйидагиларни баён қилган эди: “Судга тортилган шахс жиноят содир этганликда айблансагина, айблов жиноят белгисига айланади”.

Шуниси эътиборга лойиқки, Демосфен ўшанда одамни жиноятчи сифатида тан олиш учун нафақат айбдорлик исботланиши, балки бундай иқрорлик суд ҳукми билан тасдиқланиши кераклигини ҳам таъкидлаган. Ўша пайтдаёқ Демосфен айбсизлик презумпциясининг замонавий таърифини берган эди.

Ўрта асрларда айбланувчининг айбини тасдиқлаш назарияси айбсизлик презумпциясидан устунлик қилган. Шу муносабат билан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур бўлган, агарда у бунга ҳаракат қилмаса у тўғридан-тўғри жиноят содир этишда айбдор деб топилган.

V-X-асрларда ривожланган ҳуқуқнинг визуал тасаввур қилиш учун немисларнинг кўплаб ҳуқуқий одатлари мустаҳкамланган “Варвар ҳақиқатлари” ни мисол қилиб келтириш керак. Немисларнинг ҳуқуқий урф-одатларига мувофиқ суд жараёни фақат айблов-тортишув характерига эга бўлган. Бу нуқтаи назарни ҳеч бўлмаганда айбланувчи, агар у ўзининг айбсизлигини исботламоқчи бўлса, меҳробда қасамёд қилишга мажбур бўлган, бу эса айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган замонавий оқибатлардан бирига, яъни айбсизликнинг, аниқроғи ўзининг айбсизлигини исботлаш мажбуриятининг **йўқлигига зид** келади. Бундан ташқари, агар айбланувчи жиноят содир этишга алоқадорлигини рад этса, у “Худонинг судидан” ўтиши керак бўлган. Бу ҳуқуқий одатга кўра, айбланувчининг қўли қайноқ сув солинган қозонга солинган, агар куйган қўли яхши тузалмаса, бу унинг айбдорлигига



далил бўлган. Яна бир ҳуқуқий одат – “қуръа талаш билан синаш” кенг қўлланилган. Бундай ҳолатда, агар айбланувчи “ёмон қуръани” танлаган бўлса, у жазоланган. Бундай ёндашув жиноят процессининг асосий мақсадларидан бири - ҳақиқатни аниқлашга эришишни мутлақо таъминламади, балки у ёки бу шахснинг “омадлилик” даражасини ва унинг оғриқни енгиш қобилиятини аниқлашга ёрдам берди.

Айбсизлик презумпциясининг тарихий ривожланиши Марказий давлат ҳокимияти заиф бўлган босқич сифатида тавсифланиши мумкин бўлган даврда (XI - XIV асрлар) алоҳида шаҳарлар ҳуқуқи муҳим рол ўйнаганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, XIII асрдаги Падуа коммунаси низомида қотилликда айбланган ва 8 кун ичида судга келмаган шахс автоматик равишда айбдор деб топилиб, ҳаттоки қотилликни у қилгани аниқланмаган ҳолларда ҳам сурғунга ҳукм қилиниши айтилган [6]. 1189 йилдаги Страсбург Низомига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланувчи, агар у жиноят содир этишда айбини рад этса, “оддий қасамёд билан” ўзини поклаши керак бўлган.

Бироқ, 1304 йилдаги “Магдебург шаҳар бошлиқлари томонидан Горлитз шаҳри судяларига етказилган қонун” га биноан, қотиллик содир этиш пайтида жиноят жойида қўлга олинган шахс айбсиз бўлиш учун судга тортилиши керак. Шундай қилиб, бу шахс суд томонидан унинг иши бўйича қарор чиқарилгунга қадар айбдор деб топилган.

Одамларни айбсиз деб эътироф этиш билан боғлиқ масалаларни қонун билан тартибга солишнинг юқоридаги мисолларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қадимги даврда ва ўрта асрлар ҳисобланган тарихий даврларда ҳам айбдорлик презумпцияси нисбатан амалда бўлмаган. Шахс унга нисбатан шубҳа ёки айбловлар пайдо бўлган тақдирда ўз-ўзидан айбдор деб топиларди ва унинг вазифаси ваколатли шахслар олдида ўзини оқлашдан иборат эди.

Шу билан бирга, баъзи давлатларда айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги низомни қонунчиликда мустаҳкамлаш учун зарур шартлар юзага келган. Жумладан, 1215 йилда Англияда ушбу давлатнинг биринчи конституциявий акти ҳисобланган “Буюк эркинликлар хартияси” (Magna Charta) қабул қилинган бўлиб, унинг 39-бандида кўрсатилишича, “Ҳеч бир озод одам ҳибсга олинмайди, қамоққа олинмайди, мулкдан маҳрум бўлиши мумкин эмас, қонундан ташқари деб эълон қилиниши ёки сурғун қилиниши мумкин эмас ёки биз унга қарши даъво қилмаймиз, унга нисбатан тенгдошларининг (пэрларнинг) қонуний ҳукмидан ва мамлакат қонунчилигидан ташқари”.

Кўриб турганимиздек, “Magna Charta” нинг 39-банди матни айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги замонавий қонуннинг моҳиятини қисман акс эттиради. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ўрта асрларда католикликни қабул қилган барча ҳудудларга тарқалган канон ҳуқуқи ҳамма жойда амалда бўлган. Ва у, аксинча, инсоннинг айбдорлик презумпциясидан келиб чиққан. Эҳтимол, бу муносабат, католикликда мустаҳкамланган қоидаларга кўра, инсон туғилишдан гуноҳкор эканлиги билан боғлиқ бўлгандир. Шуни таъкидлаш керакки, “Бидъат гуноҳларини тергов қилиш бўйича Муқаддас бўлим” ёки оддийроқ айтганда, “Муқаддас инквизиция” ўз фаолиятини каноник ҳуқуқ нормаларига асослаган, шу билан бирга



инквизиция нафақат бузғунчиларни жазолаши керак бўлган, шунингдек, зўравонликнинг олдини олган ҳолда, профилактик мақсадларда фаолият кўрсатиши лозим бўлган. Инквизиция суддан ташқари қатлларга рухсат бермаган. Одатий сўроқлардан ташқари, ўша даврдаги дунёвий судларда бўлгани каби, гумон қилинувчига нисбатан қийноқлар қўлланилган. Католик черковининг ҳуқуқшунослари самимий тан олишга катта аҳамият беришган. Гумон қилинувчи тергов давомида вафот этмай, қилмишига иқроор бўлиб, пушаймон бўлган тақдирда, иш материаллари судга ўтказилган. Агар у ўз айбини рад этадиган бўлса, у бидъатчи деб тан олинган ва чиқариб юборилган, бу ўлим жазосига олиб келган, аммо маҳаллий ҳокимият томонидан қатл этилган. [7]

Шу билан бирга, ўша давр ҳуқуқшуноси бўлган Ф.Г.Шахжелдов айбсизлик презумпцияси тўғрисида “Айбланувчининг айбсизлик презумпцияси Фарбий Европада, турли баҳоларга кўра, XI- XIII-асрларда вужудга кела бошлаган жиноий жараённинг тергов ёки инквизицион (қидирув, қийноққа асосланган) турининг маҳсули бўлган. Жараённинг айблов туридан тергов турига ўтиш объектив характерга эга бўлиб, ўша даврда Европада иқтисодиётни ривожлантириш тенденциялари ва у билан шартланган сиёсатни қонунда акс эттирди [8].

Император Карл V шарафига “Каролина” деб номланган “Немис миллатининг Муқаддас Рим империяси” Жиноят суд кодекси каби феодал ҳуқуқ ёдгорлигини эътиборсиз қолдириб бўлмади. 1532-йилда Регенсбург рейхстаги томонидан қабул қилинган “Каролина” 1870-йилгача Германия ва унга қарам давлатларда расман ўз кучида қолган ва бошқа феодал давлатлар қонунчилигининг ривожланишига таъсир кўрсатган. Мисол учун, “Каролина” нинг XXII моддасида қуйидагилар белгиланган: “Ҳеч ким ёлғиз далил, жиноят белгиси, ҳақиқат ёки шубҳа аломатлари асосида бирон бир жазога маҳкум этилмаслиги керак. Шу асосда, фақат етарли далиллар мавжуд бўлгандагина қийноққа солиш билан амалга ошириладиган сўроқдан қўлланилиши мумкин. Кимнидир жиноий жазога тортиш бўйича якуний ҳукм чиқариш тахминлар ва далилларга эмас, балки унинг ўз иқроорлиги ёки кўрсатувиغا асосланиши керак.” Тергов муддати ҳеч ким томонидан белгиланмаганлиги, иш юритиш яширин асосда олиб борилгани ҳисобга олинса, айбдорлик презумпцияси давридагидек камдан-кам ҳолларда оқлов ҳукмлари чиқарилган.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Россияда Россия императори Пётр I томонидан 1716 йилдаги ҳарбий Артикулнинг қабул қилиниши ва кучга кириши билан жиноий жараённинг тергов тури ҳам ўз қўлланилишини топди. Ушбу ҳужжатда айбланувчи ҳатто “Каролина”нинг руҳига мос келадиган исботланмаган айблов билан ҳам ҳукм қилиниши лозимлиги кўрсатилган. Айбланувчининг айбдорлиги ҳақидаги шубҳаларни судьялар инobatга олиш таклиф қилинди, аммо бу ерда гап жавобгарликдан озод қилиш ҳақида эмас, балки ўлим жазосини камроқ даражадаги оғир жазо билан алмаштириш тўғрисида кетар эди.

Айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги низомнинг шаклланиши ва ривожланишига италиялик ҳуқуқшунос **Чезарре Беккария** катта ҳисса қўшганини таъкидлаш керак. Айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги ҳуқуқий норма қадимги дунёда пайдо бўлганига ва айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган маълум



оқибатларга ишоралар кейинчалик ўз аксини топганига қарамай - ҳеч ким уларга жиддий муносабатда бўлмаган ва бу ҳуқуқий норманинг моҳиятини ҳеч ким аниқламаган. 1764-йилда Чезарре Беккария “Жиноят ва жазолар тўғрисида” китобини нашр эттирди, бу китоб ўша даврнинг жамоат арбобларига ҳам, давлат раҳбарларига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ч.Беккария ўз асарларида бундай деган: “Суд ҳукм чиқармагунча ҳеч кимни жиноятчи деб аташ мумкин эмас. Жамият ҳам унга ушбу ҳимояни кафолатлаган шартларни бузганлиги тўғрисида қарор қабул қилинмагунча уни ҳимоясидан маҳрум қила олмайди. Хўш, судяга фуқаронинг айби ёки айбсизлиги факти аниқланмагунча жазолаш ваколатини куч ишлатиш ҳуқуқидан бошқа қандай ҳуқуқ беради?

Қуйидаги иккиланиш ҳолати янги эмас: Жиноят исботланганми ёки йўқми. Агар исботланган бўлса, у фақат қонунга мувофиқ жазога тортилади ва қийноқларга ҳожат бўлмайди, чунки айбланувчининг айбига иқрор бўлиши энди талаб қилинмайди. Жиноят содир этилганлигига қатъий ишонч бўлмаса, бегуноҳ шахсни қийноққа солиш мумкин эмас, чунки қонунга кўра, жинояти исботланмаган шахс бегуноҳ деб ҳисобланади. Қолаверса, инсондан ҳам ўз-ўзига нисбатан айбловчи, ҳам айбланувчи бўлишини талаб қилиш, ҳақиқатга жисмоний азоб бериш орқали эришиш барча меъёрларни бузиш бўлар эди, гўё бадбахтнинг мускуллари ва томирларида ҳақиқат илдиз отганидек. Бундай ёндашув жисмонан кучли жиноятчиларни оқлаш ва заиф бегуноҳларни қоралашнинг ишончли усулидир” [9].

Шундай қилиб, биз ўша даврнинг кўпгина олимлари айбсизлик презумпциясини ушбу тамойилнинг моҳиятини акс эттирувчи маънода тан олганликларини кўраимиз. Бироқ, фақат И.Я.Фойницкий ўз асарларида нафақат айбсизлик презумпциясининг моҳияти ҳақида гапирган, балки ушбу концепцияга ушбу қонуннинг бир қатор оқибатларини ҳам киритади, жумладан: 1) айблов томонида бўлиши керак бўлган айбловни исботлаш мажбурияти тўғрисида; 2) шубҳаларни айбланувчи фойдасига талқин қилиш тўғрисида. [10]

Шунга қарамай, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Россияда айбсизлик презумпцияси илмий доираларда тан олинган, ушбу ҳуқуқий қонуннинг бир қатор оқибатлари норматив равишда белгиланди.

1917 йилги Октябр инқилоби жиноят процессида айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги қонун қайта кўриб чиқишга олиб келди. 1917 йилдан 1940 йилларнинг охиригача бўлган даврда СССРда айбсизлик презумпцияси умумэътироф этилган, бундан ташқари, олимлар, сиёсатчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кўпроқ шахснинг айбдорлиги презумпциясига мойил бўлган.

СССР прокурори А.Я. Вишинский айбсизлик презумпциясига нисбатан энг тўлиқ нуқтаи назарни ифода этган: “Айбсизлик презумпцияси тамойили ахлат қутисига ташланиши керак ... у ҳеч нарсага арзимайди”.

Шундай қилиб, 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 11-моддаси 1-қисмида айтилишича, “Жиноятда айбланаётган ҳар бир шахс ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эга бўлган очиқ суд жараёнида унинг айби қонун билан исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга” [11].



1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция 6-моддасининг 2-қисмида бошқача изоҳ берилган. “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс айби қонун билан исботланмагунча айбсиз ҳисобланади”.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1995 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенциясининг 6-моддаси 2-қисмига мувофиқ: “Жиноятда айбланаётган ҳар бир шахс айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз ҳисобланади”. Эътибор берадиган бўлсак, ушбу изоҳ аслида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 2-қисмининг қоидаларини такрорлайди ва унга кўра “Жиноят содир этишда айбланган ҳар бир шахс айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга”. [12].

Халқаро миқёсда айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги низом мустаҳкамланганига қарамай, бу тамойил узоқ вақт давомида ички қонунчиликда керакли ифодасини топмади.

Ўша даврдаги процессуалист олимлар ўртасидаги келишмовчиликларга қарамай, давлатнинг ўзи Иккинчи Жаҳон уруши тугаганидан кейин деярли дарҳол жиноят процессида айбсизлик презумпциясини мустаҳкамлаш зарурати ҳақидаги саволга жавоб беришган. Шундай қилиб, 1946 йил 27 декабрда СССР Олий суди Пленумининг қарори қабул қилинган ва унда “ҳар бир айбланувчи, унинг айби белгиланган тартибда исботланмагунча айбсиз ҳисобланади” деб эътироф этилган. Совет қонунчилигининг мазмуни ва руҳига кўра, айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас, балки прокуратура органлари айбловнинг тўғрилигини исботлашлари керак. Шундай қилиб, муайян жиноят ишларини кўриб чиқиш натижасида қонунчиликда айбсизлик презумпцияси тамойилини мустаҳкамлаш зарурлигини айнан суд ҳокимияти исботлади.

Бундан ташқари, қонун чиқарувчи айбсизлик презумпцияси тарафдори М.С.Строговичнинг илмий ғояларини қабул қилди. Ўша даврда комиссияни бошқаргани учун унинг ихтиёрида маълум маъмурий-ҳуқуқий ресурс ҳам бор эди. Натижада, 1950-йилларнинг охирида жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари матнига бир қатор ғоялар киритилиб, улар биргаликда “талаб қилинган жараён” образини шакллантирди [13].

Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилги Жиноят-процессуал кодексига, 1929 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКда ҳам айбсизлик презумпцияси ҳақида сўз юритилмаганлигини кўриш мумкин.

Ваниҳоят, биринчи марта айбсизлик презумпцияси тамойили 1959 йилдаги ЎзССР жиноят-процессуал қонунчилигининг 6-моддасида акс эттирилган бўлиб, унда қуйидаги қоида мавжуд эди: “Суд қарори ёки прокурорнинг санкциясидан ташқари ҳеч ким қамоққа олиниши мумкин эмас” [14].

Шунингдек, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида айбсизлик презумпцияси тамойилини ривожлантиришнинг тубдан муҳим босқичи бўлди. Ушбу конституциямизнинг “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” деб номланган VII боби 26-моддасида ушбу қоида киритилган бўлиб, унга кўра: “Жиноят содир этишда айбланган ҳар бир шахснинг иши



судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди”, - деб белгилаб қўйилди.

Айбсизлик презумпцияси жиноят процессида иштирок этувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан келиб чиқадиган кўплаб ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Унинг ҳуқуқий табиати, мазмуни ва ифодаланиш шакли, ҳаракат чегаралари ва ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида баҳс-мунозаралар ҳозирга қадар давом этмоқда. Зеро, бундай фундаментал тушунчалар ортида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқий ҳолатига риоя қилишнинг долзарб муаммолари ётганлигини инобатга оладиган бўлса, бу табиий ҳолдир, албатта.

Ҳозирги вақтда айбсизлик презумпцияси бевосита Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 23-моддасида жинойи иш юритиш тамойили сифатида мустаҳкамланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги Конституциясининг 28-моддасида эса янада такомиллашди. Жумладан, унда “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас”, - деган жумлалар белгилаб қўйилди [15]. Албатта бу демакротик давлатда инсон қадр-қимматини хурмат қилиш, уни янада мустаҳкамлашнинг яққол намунаси деса бўлади.

Шундай қилиб, антик даврда пайдо бўлган айбсизлик презумпцияси мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган ва уни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- 1) фуқароларнинг инсофлиги презумпцияси – қадимги давр (милоддан аввалги IV-милодий V-асрлар) жаҳон тарихининг қадимги даврида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда кўпроқ даражада қўлланилган. Шу билан бирга, фуқаронинг инсофлиги презумпциясининг амал қилиши жамиятнинг қуйи қатламларига, айниқса айбдорлик презумпцияси қўлланилган қулдорлик тизими асослари бўйича ишларни кўриб чиқишда умуман тааллуқли бўлмаган;
- 2) айбдорлик презумпцияси - ўрта асрлар даври - айбланувчи томонидан айбни тан олишга урғу бериш, уни олиш усуллари ҳеч қандай тарзда чекланмаган. Қийноқлардан фойдаланиш нафақат рухсат этилган, балки қонунларда бевосита мустаҳкамланган. Бироқ, ўша пайтда, айбсизлик презумпциясининг элементлари баъзи штатларнинг меъерий ҳужжатларида (1215 йилги “Буюк эркинликлар хартияси) ўз аксини топган;
- 3) алоҳида давлатларда айбсизлик презумпциясини тан олиш – янги аср даври (XVIII-XIX асрлар) 1789 йилги Буюк Франция буржуа инқилоби даврида бошланган



бўлиб, кейинчалик, айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги қоида бошқа давлатларнинг қонунчилигида мустаҳкамланган: Жумладан, Норвегия (1814), Белгия (1831), Германия (1871), Россия империяси (1864);

4) Айбсизлик презумпцияси тамойилининг халқаро тан олиниши - замонавий босқич - 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Шундан бери айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги қоида халқаро миқёсда эътироф этилган ва натижада кўпчилик мамлакатлар қонунчилигида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон тарихида жиноят процессида айбсизлик презумпцияси 1959 йилги Жиноят-процессуал кодексида пайдо бўлган ва кейин 1992 йилда конституциявий даражада белгилангунигача давом этган ва 1994 йилги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигида процессуал қоида тариқасида белгиланди. Сўнгра 2023 йил 30 апрель кунги янги Конституциясида янада такомиллашиб, мустаҳкамлаб қўйилди.

References:

1. Исҳоқова С.А. «Ҳидоя»нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ-Право-Law.- 2003 – № 2. – Б.56.;
2. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. –Ўзбекистон, 2006. – Б. 174; Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2013. – Б. 384, 16.;
3. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Т: Фан, 1974. – Б. 214; Рахмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ-Право-Law. – Т. 1999. - №3. – Б. 79.; Мухтасар: Шариат қонунларига қисқача шарҳ. – Т.: «Чўлпон», 1994. – 336 б.;
4. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 30.; Ражабова М. Шариатда қозини тайинлаш тартиби // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. – Т., 2009. – Б.37-38.;
5. Исхаков С.А. Фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // Ҳуқуқ-Право-Law. – 1999. – №3. – Б.83.;
6. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран (Древность и Средние века) / Составитель: д.ю.н., проф. В.А. Томинов. - М.: Издательство Зерцало, 1999. - Б. 530.;
7. <https://library.tsd.uz/storage/books/March2022/DjhjVs6zzU1ObwcAWo8b.pdf>;
8. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/download/406/580/1882>;
9. Чезарре Беккария “Жиноят ва жазолар тўғрисида”. <http://lib.jizpi.uz/mod/resource/view.php?id=16326&redirect=1>;
10. Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства.-СПб.: польза, 1910. Т.2.-607 С.;
11. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабрь БМТ. https://unicode.org/udhr/d/udhr_uzn_cyrl.txt;
12. “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенцияси” МДҲ 1995 й. https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text125986_inson_huquqlarining_mustahkam_himoya_si;



13. Далилларнинг «иккиёқламалик» концепцияси (А.И.Трусов 9, В.Д.Арсеньев10 ва М.С.Строгович;
14. Уголовный кодекс Узбекской ССР: Уголовный процессуальный кодекс Узбекской ССР: С изм и доп. На 1 ноябрь 1983 г. Т.:Узбекистан, 1983,- 384 с.;
15. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145>.